JIZZAX VILOYATI ZOMIN TUMANI HOKIMINING
QARORI

2022 - yil 19 - yanvar 25-3-48-Q/22 Zomin tumani hokimligi

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил30 октябрдаги “Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида,“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1.“Жиззах Сувтаъминоти” МЧЖ Зомин туман филиали томонидан аҳоли(истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар,ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларинитартибгасолувчи орган билан келишилган ҳолда иловагамувофиқ тасдиқлансин.

2.“Жиззах Сув таъминоти”МЧЖ Зомин туман филиали рахбари Н.Азимовга:

Ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўзвақтида,тўлиқ етказиб берилишини;

Оқова сув хизматидан фойдаланувчи истемолчиларга белгиланган тартибда шартнома асосида хизмат кўрсатиш;

Истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ваўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

Зомин туманида етказиб берилган ичимлик суви ва оқова сув хизматлари нархлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Туман ҳокимлиги матбуот котиби Б.Бердимуродов ҳамда “SHARQ TONGI” газетаси муҳаррири (Х.Сиддиқов)га мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилсин.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Усмонқулов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Абдуганиев**

Зомин туман ҳокимининг
2022 йил 19 январдаги
25-3-48-Q/22-сон қарорига
1-илова

Зомин туманида 1 м3 ичимлик суви
хизматлари нархлар

ЖАДВАЛИ

Т/Р	**Хизматтурлари**	**Истемолтури**	**Ўлчов бирлиги**	**Нархи (сўмда)**	
1.	Ичимлик суви	Аҳоли истеъмолчиларига	$1м^3$	11000 сўм (келишилган холатда)	12 км гача
		Бюджет ва улгуржи истеъмолчиларга	$1м^3$	21000 сўм (келишилган холатда)	12 км гача

Изоҳ: истеъмолчининг манзили 12 км ошганда ҳар бир км учун $1м^3$ $_3$га 1000 сўмдан ортиб боради